

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FIL/PED.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА АЗИЗА ОДИЛОВНА

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЮРИШ-
ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАСИ**

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Муминова Азиза Одиловна Ҳозирги замон немис ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг аспектуал семантикаси.....	3
Муминова Азиза Одиловна Аспектуальная семантика глаголов движения в современном немецком и узбекском языках	23
Muminova Aziza Odilovna Aspectual semantics of verbs of motion in modern German and Uzbek languages	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.FIL/PED.83.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА АЗИЗА ОДИЛОВНА

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН НЕМИС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЮРИШ-
ҲАРАКАТ ФЕЪЛЛАРИНИНГ АСПЕКТУАЛ СЕМАНТИКАСИ**

10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Fil460 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида www.samdhti.uz ва "Ziyonet" Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ризаев Баходир Хайдарович филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Насруллаева Нафиса Зафаровна филология фанлари доктори (DSc), профессор Рузиев Яраш Бозорович филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03.30.12.2019.Fil-Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "12" декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93- уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdhti.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (60858 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93- уй. Тел: (99866) 238-29-37.)

Диссертация автореферати 2021 йил "13" декабр куни тарқатилди. (2021 йил "13" декабр даги 55 рақамли реестр баённомаси).



И.М. Тухтасинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика ф.д., профессор

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон замонавий тилшунослигида аспектуаллик - аспект (вид), акционаллик, ҳаракат тарзи категорияларини қамраб олувчи лисоний сатҳ сифатида қаралмоқда. Ушбу категориялар предикат семантикасини ёритишда, уни сатҳларини аниқлаш ҳамда предикатларни аспектуал нуқтаи назардан таснифини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Предикатнинг аспектуал семантикаси билан боғлиқ ўта мураккаб ва зиддиятли масалаларни ҳал қилишда янги ёндашув ва мезонларни излаб топиш ҳамда ишлаб чиқиш жаҳон тилшунослигининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланмоқда. Шу аснода, турли фан соҳаларида эришилган илғор ғоялар ва уларнинг негизида шаклланган инновацион таҳлил усулларини илмий изланишлар жараёнига оқилона тадбиқ этиш жаҳон тилшунослигидаги замонавий илмий йўналишларнинг асосий талабига айланмоқда. Айни шу жиҳатдан қардош бўлмаган тиллар аспектуаллик семантикасини қиёсий тадқиқ қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги замон дунё тилшунослигида амалга оширилаётган кўплаб замонавий тадқиқотлар тил бирликларини ҳар жиҳатдан тадқиқ қилишга йўналтирилган. Фейлнинг аспектуал қатлами барча тилларда мавжуд бўлган универсалликни ташкил этиб, унинг маънолари ҳар бир тилда ўзига хос воситалар ёрдамида ифодаланади. Қайд этиш лозимки, катта аҳамиятга эга бўлишига қарамасдан, фейлнинг аспект ва акционал семантикаси жаҳон тилшунослигида кам ўрганилган лисоний сатҳлардан биридир, шунинг учун мазкур тадқиқотнинг долзарблиги диссертация ишида қардош бўлмаган немис ва ўзбек тилларидаги аспектуаллик категориясига тегишли муаммолар, шу билан биргаликда, ҳар икки тилдаги юриш-ҳаракат феълларининг акционал хусусиятлари ва уларнинг тасниф мезони ҳамда аспект маънолари ўзаро қиёсий тарзда функционал-семантик майдонда тадқиқ қилинмаганлиги билан изоҳланади.

Мамлакатимизда юртбошимиз раҳбарлигида Учинчи Ренессанснинг пойдевори қўйилаётган бир пайтда олиб борилаётган ислохотлар ҳамда ижтимоий ҳаётда юз бераётган туб ўзгаришлар илм-фаннинг барча йўналишларида бўлгани каби тилшунослик соҳасида ҳам ўз ифодасини топмоқда. “Халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини Республикамиз таълим муассасаларига жорий этиш, яъни ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиш”¹ вазифасининг ижросини таъминлашда шундай кўламдаги қиёсий изланишлар натижалари юқори самара беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони/Халқ сўзи, 09.10.2019. № 209 (7439).

стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умумий тилшуносликда С.Агрелль¹, Б.М.Балин², А.В.Бондарко³, Ю.С.Маслов⁴, кабилар аспектология соҳасининг тараққий этишига катта ҳисса қўшган олимлар саналади. Герман тилларида мазкур масала тадқиқи борасида С.Г.Андерссон, К.Бругман, Л.Зюттерлин, А.Нурен, М.Дейчбейн, П.Якобсон кабилар бир қатор изланишлар олиб боришган⁵. Замоनावий тилшуносликда аспектуаллик функционал-семантик майдонига оид изланишларни Д.Н.Шмелев, А.Д.Зализняк ишларида кузатиш мумкин⁶.

Ҳозирги кунда замоनावий немис тили аспектуаллик функционал-семантик майдони масалалари Ch.Naase, Т.В.Лубенцова, А.Б.Шлуинский, Б.Х.Ризаев, Э.Д.Кучеренко, J.Lagunov, Н.Н.Волостнова, О.М.Рисаева каби тилшуносларнинг илмий ишларида ёритилмоқда⁷. Немис тилидаги юриш-

¹ Агрелль С. О способах действия польского глагола // Вопросы глагольного вида. - М.: 1962. - С. 35-38.

² Балин Б.М. Германский аспектологический контекст: Автореф. дисс. док. филол. наук. - Киев, 1972. - 40 с.

³ Бондарко А.В. Принципы функциональной грамматики и вопросы аспектологии; отв. ред. В.Н. Ярцева / А.В. Бондарко. -М.: Едиториал УРСС, 2003. - 208 с.

⁴ Маслов Ю.С. Избранные труды: Аспектология. Общее языкознание. - М.: Языки славянской культуры, 2004. - 840 с.

⁵ (қаранг): Ризаев Б.Х. Проблемы немецкой аспектологии. - Тошкент. Ўқитувчи, 1988. – С. 6.

⁶ Шмелев Д.Н, Зализняк, А.Д. Введение в русскую аспектологию. - М.: 2000. - 221 с.

⁷ Naase Ch. Kognitive Repräsentation von Temporalität im Englischen und im Deutschen: Disser. zur Erlangung des akademischen Grades Handwerker, (Dr. phil). - Chemnitz, 2002. -290 S; Лубенцова Т.В. Способы выражения интенсивно-результативного состояния в немецком языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. -Архангельск, 2005. -190 с; Шлуинский А.Б. Типология предикатной множественности: количественные аспектуальные значения: Дисс. ... канд. филол. наук. - М.: 2005. - 372 с; Ризаев Б.Х. Проблемы немецкой аспектологии. - Тошкент: Ўқитувчи, 1988. - 96 с; Кучеренко Е.Д. Средства выражения сативного способа действия в современном немецком языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Архангельск, 2013. - 27 с; Lagunow J. Interdependenzen von Aspektualität und Modalität aus kognitiver Sicht / Kontrastive Übersetzungsanalysen Russisch-Deutsch. -München, 2014. - 326 S; Волостнова Н.Н. Средства выражения способов действия длительности в немецком и русском языках: Сравнительно-сопоставительный анализ: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. -Казань, 2004. -20 с; Рисаева О.М. Аспектуальная семантика конструкций с функциональными глаголами в современном немецком языке: Дисс. док. филол. наук.-Ташкент, 2019.-172 с.

ҳаракат феъллари Н.Л.Шампе, А.О.Конобеева, О.В.Островская сингари тадқиқотчилар ишида ўрганилган¹.

Туркий тилларда аспектиаллик муаммоларига доир илмий ишлар А.Н.Кононов, Б.А. Серебренников, Ф.А.Ганиев, А.А.Юлдашев, L.Johanson, K.Schönig, Д.М.Насилов, М.Б.Менглиева ва бошқалар² томонидан амалга оширилган. Хусусан, юриш-ҳаракат феъллари муаммолари Д.К.Шабанов, С.Х.Мухамедова, О.Е.Мавлонбердиева, Ғ.Мирсановлар ишларида ёритилган³. Ушбу илмий тадқиқотлар орасида юриш-ҳаракат феълларининг аспектиал хусусиятлари инглиз ва ўзбек тили материали асосида фақатгина Ғ.Мирсанов ишида қиёсий тарзда таҳлил қилинган.

Замонавий тилшуносликда юриш-ҳаракат феъллари лексик, семантик, синтактик ва когнитив жиҳатдан Е.В.Падучева, Е.Е.Голубкова, Т.А.Майсак, Е.В.Рахилина, В.Ҳаско, Р.Перелмуттер, Э.В.Кузнецова каби олимлар томонидан кўриб чиқилган⁴. Шунга қарамасдан, тадқиқотимиз объекти бўлган немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг акционал жиҳатдан таснифланиши ва уларнинг аспектиал семантикаси ўзаро қиёсий тарзда ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Замонавий тилшуносликнинг янги йўналишлари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қардош бўлмаган немис ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал гуруҳларини аниқлаш, ҳар бир

¹ Шампе Н.Л. Семантика немецких глаголов движения и их русских эквивалентов в лингвокультурном освещении. - Волгоград, Изд-во Волгоградского ун-та, 2000. - 392 с; Конобеева А.О. Глаголы движения с локальными префиксами в категоризации пространственных отношений в современном немецком языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тамбов, 2006. - 30 с; Островская О.В. Структура и функции приставочных глаголов движения с синестетическим значением (на материале немецкого языка): Автореф. дисс.канд. филол. наук.- Белгород, 2006. - 21 с.

² Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. - Москва. Изд АН СССР, 1960. – 446 с; Серебренников Б.А. К вопросу о «морфологизме» / Аналитические конструкции в языках различных типов. - М.: 1965. - с. 102; Ганиев Ф.А. Видовая характеристика глаголов татарского языка. - Казань, 1963.- 180 с; Юлдашев А.А. Аналитические формы глагола в тюркских языках. - М.: 1965. - 275 с; Johanson L. Aspekt im Türkischen. Vorstudien zu einer Beschreibung des türkeitürkischen Aspektsystems. Uppsala, 1971. - 333 S; Schönig C. Hilfsverben im Tatarischen: Untersuchungen zur Funktionsweise einiger Hilfsverbverbindungen. - Weisbaden, 1984. - 327 S; Насилов Д.М. Проблемы тюркской аспектологии. Л.: Наука, 1989. - 207 с; Менглиева М.Б. Ҳаракат тарзи маъноларининг ўзбек ва инглиз тилларида берилиши ва бадий матнда таржимаси: Филол. фан. док (PhD). дисс. - Андижон, - 2021. - 125 б.

³Шабанов Д.К. Турк ва ўзбек тилларида фаол ҳаракат феълларининг семантикаси: Филол. фан. номз. дисс. ... автореф. – Т.: 2003. – 21 б; Мухамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари: Филол. фан. док. дисс. ... автореф. – Т.: 2007. – 46 б; Мавлонбердиева О.Е. Сопоставительная характеристика глаголов движения в русском и узбекском языках: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Худжанд, 2011. – 24 с; Мирсанов Ғ.Қ. Инглиз ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал ва аспектиал хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Самарқанд, 2009. - 155 б.

⁴ Падучева Е. Дейктические компоненты в семантике глаголов движения / Логический анализ языка. Семантика начала и конца. - М.: 2002. - С. 121-136; Голубкова Е.Е. Фразовые глаголы движения (когнитивный аспект) - М.: ГЕОС, 2002. - 175 с; Майсак Е.В, Рахилина (ред.). Глаголы движения в воде: лексическая типология. - М.: Индрик, 2007. - С. 27-75; Hasko V., Perelmutter R. (eds.). New approaches to Slavic verbs of motion. - Amsterdam, 2010. - 392 p; Кузнецова А.И. Динамика русских глаголов движения с XI по XX век. Воронеж, Изд-во Воронежского гос. ун-та., 2010. - 284 с.

акционал гуруҳга тегишли бўлган юриш-ҳаракат феъллари ифодалайдиган аспектual вазиятлар турларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

немис ва ўзбек тиллардаги шу мавзуга оид илмий ишларни таҳлил қилиш, билдирилган назарий қарашларни ва фикрларни умумлаштириш ва уларга муносабат билдириш;

немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларини лексик-семантик жиҳатдан таснифлаш;

немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг акционал хусусиятларини аниқлаш ва гуруҳлаш;

немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг акционал гуруҳларини қиёсий таҳлил қилиш жараёнида уларнинг ўхшаш, фарқли ва умумий томонларини очиб бериш;

иккала тилдаги юриш-ҳаракат феъллари ифодалайдиган аспектual вазиятлар турларини қиёсий тарзда ўрганиш;

иккала тилдаги юриш-ҳаракат феъллари иштирокидаги аспектual вазиятларни ҳосил бўлишида контекстдаги аниқлаштирувчилар ва бошқа аспект релевант (мувофик) воситаларнинг таъсирини очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феъллари олинган.

Тадқиқотнинг предметини немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг акционал семантикаси ва улар ёрдамида ифодаланадиган аспектual вазиятлар турлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда аспектологик ҳодисаларни таҳлил қилишда асосий усуллар сифатида изоҳлаш, талқин қилиш, “майдон” усули, қиёслаш, статистик метод, лексик-семантик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

немис ва ўзбек тилларидаги аспектология соҳасининг лексик-грамматик тизимидаги асосий ривожланиш босқичлари ва уларнинг функциол-семантик майдондаги замонавий ҳолати очиб берилган, бунда феълнинг чегараланганлик категорияси муҳим ўрин тутиши исботланган;

немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг лексик-семантик воқеланишида чегараланганлик, чегараланмаганлик каби акционал хусусиятлар гуруҳи шакллантирилган;

немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феъллари иштирокидаги аспектual вазиятларнинг терминатив, инхоатив, итератив турлари мавжудлиги аниқланган;

мазкур тилларда аспектual вазиятларни ҳосил бўлишида феълнинг акционал семантикаси, грамматик воситалар, релевант конкретизаторлар, контекст ҳамда кечим, вазият, ҳодиса каби экстралингвистик омиллар таъсири далилланган;

ўзбек тилидаги аналитик қурилмалар (мураккаб феъл, етакчи ва кўмакчи феъл) воқеа-ҳодисанинг бошланиши, давомийлиги, такрорийлиги, тугалланганлиги каби аспектual вазиятларни ифода этиши исботланган;

немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг функционал ифодаси ва контекстуал мажмуи инхоативлик ва тугалланиш фазаси маъноларини юзага келтириши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феъллари акционал таснифининг қиёсий тадқиқи ҳамда тадқиқот натижасида аниқланган икки тилдаги аспектуаллик маъноларини ҳосил қилувчи воситаларнинг таъсири ва аспектуал маънони ифодалашга хизмат қилувчи омилларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларини аниқлашга эришилган;

оширилган тадқиқот натижалари семантика, синтаксис, лексикология, немис ва ўзбек тиллари грамматикаси фанлари учун ҳам аҳамиятли эканлиги аниқланган ҳамда қардош бўлмаган иккала тиллардаги муштарак тамойилларни белгилаш имконини яратган;

ишнинг натижалари қиёсий тилшунослик (структур, лексик-семантик ўзига хосликлар), аспектуаллик (аспект, акционаллик, ҳаракат тарзи категориялари) фанларининг ривожланишига таъсир этиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндашув ва усуллар, аспектология соҳасидаги янги илмий-назарий натижалар асосида таҳлил қилинган фактик тил материаллари, чиқарилган хулосалар назарий мавқеи билан мос келиши ва қатъийлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феъллари акционал жиҳатдан (чегараланган/чегараланмаган, лимитатив нейтрал) гуруҳланиб, уларнинг контекст таркибида ифодаладиган аспектуал вазиятлар турлари аниқланганлиги, мазкур таҳлилнинг функционал-семантик майдондаги муносабати билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши натижасида немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг семантик ва лексик маъноларининг юзага чиқиш омилларига доир назарий имкониятлар тадқиқ этилганлиги, икки тилдаги юриш-ҳаракат феъллари лексик-семантик ва акционал гуруҳларга таснифланиши ҳамда юриш-ҳаракат феълларининг акционал хусусиятлари асосида аспектуал вазият турларини ўзаро қиёсий тарзда тадқиқ этиш усулларини ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таълим жараёнида немис ва ўзбек тили аспектологияси, грамматикаси, лексикологияси фанлари бўйича ўқув материаллари, ушбу фанларнинг маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишда, диссертацион тадқиқотлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини ёзишда, махсус курслар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Замонавий немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феъллари аспектуал семантикасини тадқиқ қилиш жараёнида қўлга киритилган назарий хулосалар ва илмий натижалар асосида:

немис тилидаги аспектуаллик ҳамда уни ташкил этувчи категорияларнинг ўрганилиши ҳақидаги мулоҳазалардан “Немис тили

аспектологияси муаммолари” номли танлов фанининг маъруза ва семинар машғулотларини ташкил этишда фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 23 февралдаги 423/30.02.01 маълумотномаси). Натижалар немис тили аспектологияси соҳаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини чуқур ўрганишга хизмат қилган;

ҳозирги замон немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феълларининг аспекти ва акционал семантикасига оид материаллардан Европа иттифоқининг ERASMUS + дастури 561624 EPP-1-2015-1-UK-EPPKA 2CBHESP IMEP: “Internationalization and Modernization of Education and Processes in the Higher Education of Uzbekistan” номли лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 4 февралдаги 288/30.02.01 маълумотномаси). Тадқиқот материалларидан фойдаланиш натижасида халқаро маълумот алмашинув тизими самарадорлиги ошган;

немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феъллари акционал ва аспект семантикасига оид материаллардан И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2021 йил 5 февралдаги 288/30.02.01 маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий натижалари қардош бўлмаган икки тилдаги муштарак тамойилларни белгилаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 13 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий мақола ва тезис нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 5 таси республика илмий журналларида чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, Республика фан ва технологиялари тараққиёти устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, мауаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объекти ва предмети аниқланган, қўлланилган усуллар, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги,

натижаларнинг муҳокамаси ва эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Аспектуаллик категориясининг тилшуносликда ўрганилиши**” деб номланиб, у 4та фаслдан иборат. Биринчи фаслда умумий тарзда аспектуаллик категориясининг тарихи, тилшуносларнинг аспектуаллик функционал-семантик майдониغا берган таърифлари ва ёндашувлари, ушбу майдон ўз ичига қамраб олувчи аспект (тугаллаганлик/тугалланмаганлик), акционаллик (чегараланганлик/чегараланмаганлик), ҳаракат тарзи категориялари борасида олимларнинг қарашлари кўриб чиқилган.

Иккинчи фасл лимитативлик категорияси билан боғлиқ муаммоларга бағишланиб, унинг тилшунослар томонидан талқин этилиши, лимитативлик ўзида мужассам этган икки қарама-қарши маъно, яъни чегараланганлик, чегараланмаганлик категориялари хусусидаги фикрлар ёритилган.

Учинчи фасл “Немис тилида аспектуаллик категорияси” деб аталиб, унда немис тилидаги аспектуаллик функционал-семантик майдони асосини ташкил этувчи акционаллик категорияси, ундан ташқари, у билан чамбарчас боғлиқ бўлган аспект ва “Aktionsart” маъноларига доир муаммолар ўрганилган.

“Туркий тилларда аспектуаллик категорияси” деб аталувчи тўртинчи фаслда туркий тиллардаги аспектуаллик функционал-семантик майдони асосини ташкил этувчи акционаллик, унга нисбатан переферистик аҳамиятга эга бўлган аспект категориясининг туркий тилларда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, ҳаракат тарзи, аналитик шаклларга асосланган етакчи ва кўмакчи феъл муносабатлари ҳамда ушбу масалаларга нисбатан юзага келган ёндашувлар тадқиқ этилган.

Аспектуаллик функционал-семантик майдон сифатида ўз ичига вид (аспект), чегараланганлик/чегараланмаганлик яъни акционаллик, ҳаракат тарзи каби категорияларни қамраб олади. Вид категорияси феъл ифодалайдиган ҳаракатнинг терминативлик/процессуаллик маъносини, акционаллик (чегараланганлик/чегараланмаганлик) феъл ифодалайдиган ҳаракатнинг муайян нуқта ёки мўлжал томон йўналганлиги/йўналмаганлигини, ҳаракат тарзи категорияси ўша ҳаракатнинг қай тарзда ва усулда амалга ошиши, ривожланишини кўрсатади.

Аспектуаллик функционал-семантик майдони жаҳон тилшунослигида кенг миқёсда ўрганилишига қарамай, аспектуаллик категорияларидан бири чегараланганлик/чегараланмаганлик ва феълларни ушбу хусусиятига кўра таснифлаш, шунингдек вид ва ҳаракат тарзи категориялари талқини борасида олимларнинг фикри яқдил эмас.

Тадқиқ этилаётган немис тили аспектуаллик функционал-семантик майдони марказини чегараланганлик/чегараланмаганлик ташкил этади. Вид (аспект) ва ҳаракат тарзи категориялари ўзига хос турли воситалар жумладан, мустақил феъллар, турғун бирикмалар, равиш турлари ва бошқалар орқали ифодаланади.

Тадқиқотимизнинг яна бир объекти бўлмиш ўзбек тили аспектуаллик функционал-семантик майдони маркази асосини немис тилидаги сингари

чегараланганлик/чегараланмаганлик эгаллайди. Бу тилда ҳам вид (аспект) ва ҳаракат тарзи категориялари ўзига хос турли воситалар ёрдамида ўз аксини топади.

Қардош бўлмаган немис ва ўзбек тилларида аспектualiк функционал-семантик майдони муаммоларининг ўзаро қийсий тарзда ўрганилиши масала моҳиятини янада қизиқарлироқ акс этишига, икки тилда мавжуд бўлган ўхшаш ва фарқли жиҳатларни очиб беришга ва уларни таҳлил қилишга ёрдам беради.

Иккинчи боб **“Немис ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феълларининг акционал гуруҳланиши”** деб номланиб, у 9 та фаслдан ташкил топган. Ушбу бобда умумий тилшуносликда юриш-ҳаракат тушунчасининг тадқиқ этилиши масалалари ўрганилган. Шунингдек, ишнинг мазкур қисмида немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат феъллари лексик-семантик, акционал жиҳатдан тасниф қилиниб, улар учта акционал гуруҳларга, яъни чегараланган, чегараланмаган ва икки акционал хусусиятли феълларга ажратилган.

Юриш-ҳаракат лингвистик тушунча бўлиб, у субъектнинг муайян маконда оёқлар ёки транспорт воситалари ёрдамида амалга оширадиган ҳаракатини ифодалаш учун қўлланади. Феъл ифода этадиган ҳаракатни амалга ошишида **субъект, макон, мақсад, силжиш тезлиги** ва **усули** каби омиллар ҳаракатни юзага келтирувчи асосий факторлар ҳисобланади. Ушбу омиллар асосида субъектнинг юриш-ҳаракати юзага келади.

Акционал тасниф - бу феълларни лексик потенциалида чегараланганлик белгисининг мавжудлиги/мавжуд эмаслиги билан боғлиқ бўлган гуруҳланишдир. Чегараланганлик - феълнинг ўз лексик потенциалида ички чегаранинг мавжудлиги, чегараланмаганлик феъл семантикасида худди ўша чегаранинг йўқлигидир¹. Лимитатив нейтрал феъллар деганда ўз семантикасида ана шу икки қарама - қарши хусусиятни бир вақтда қамраб олган феъллар тушунилади.

Феълларни акционал гуруҳларга тасниф қилишда турлича қараш ва ёндашувларга асосланган оқимлар юзага келган. Бунда биринчи оқим вакиллари бинар таснифнинг тарафдори бўлиб, улар феълларни фақат икки, яъни чегараланган, чегараланмаган гуруҳларига ажратишса², иккинчи оқим вакиллари эса уч: чегараланган, чегараланмаган, лимитатив нейтрал феъллар гуруҳига ажратишни таклиф этишади³. Бинар таснифнинг тарафдорлари

¹ Маслов Ю.С. Очерки по аспектологии. Изд-во Ленинградского ун-та, - Л.: 1984. - 262 с.

² Балин Б.М. Способы передачи совершенного вида средствами немецкого языка // Учен. зап. Ивановского пед. ин-та. – Иванова, 1963. Т- 38. – С. 66-111; Махонина Е.В. К вопросу о функционировании немецких предельных и непредельных глаголов по временным формам // Вопросы грамматики и стилистики немецкого языка. - Калинин, 1972. - С. 59-65; Канеко Ю., Петрухина Е.В. Аспектуальная семантика в глагольных системах русского и японского языков // Вопросы языкознания. – М.: 2004. - № 4. – С. 19-34; Бальгина Е.Д. Особенности семантики глагольных лексем (на материале турецких глаголов движения). // Вопросы тюркской филологии (Материалы Дмитриевских чтений). -М.: 2007. Вп., VII. - С. 23-40.

³ Andersson S.G. Aktionalität im Deutschen. Eine Untersuchung unter Vergleich mit dem russischen Aspektsystem. I. Die Kategorien Aspekt und Aktionsart im Russischen und im Deutschen. – Upsala, 1972. - 248 S; Ризаев Б.Х. Аспектная семантика перфектных и плюсквам перфектных форм немецкого глагола. – Самарканд, 2003. – 89 с; Рахманкулова Э.С. К вопросу о теории аспектуальности // Вопросы языкознания. – М.: Наука, 2004. - № 1. – С. 3-28.

фeълнинг инфинитив шакли семантикасини таҳлил қилиш ва контекст амалиётидаги аспектуал белгиларни ҳисобга олмасликка эътибор беришади. Уч гуруҳга таснифлаш тарафдорлари эса фeъл лексемасининг бутун семантик потенциалини яъни ўша тилга тегишли “нутқ амалиётидаги барча турли-туманликни” ўз ичига оладиган маъноларни ҳам киритишади.

Биз ишимизда иккинчи оқим вакиллари қарашларига таянамиз. Шунга кўра немис ва ўзбек тилларидаги юриш-ҳаракат фeъллари акционал жиҳатдан кўйидагича кўриниш олади:

1. Немис тилидаги чегараланган семантикали фeълларга *ankommen, kommen, erreichen, zurückkommen, auftreten, verlassen, sich nähern, sich entfernen, zurückziehen* кабилар, ўзбек тилида худди шундай семантикали фeълларга *келмоқ, кетмоқ, кирмоқ, чиқмоқ, яқинлашмоқ, узоқлашмоқ, йироқлашмоқ, етмоқ, қайтмоқ* фeъллари ва *йўлга тушмоқ, йўлга чиқмоқ, йўл олмоқ, йўл солмоқ* каби кўшма фeълларни киритиш мумкин. **Чегараланган** фeъллар семантикасида асосан кўйидаги белгилар мавжуд: а) сўзловчи турган томонга йўналмоқ, етмоқ (*ankommen, kommen, erreichen; келмоқ, яқинлашмоқ, етмоқ*); б) ўз турган жойидан бошқа томонга йўл олмоқ, маълум нуқтадан узоқлашмоқ, муайян мақсад билан бирор жойга кетмоқ, маълум мўлжал томон ҳаракатланмоқ (*verlassen, sich entfernen; кетмоқ, узоқлашмоқ, йироқлашмоқ, ўтмоқ*); в) юриб, дастлабки ерига келмоқ (*zurückkommen, zurückziehen; қайтмоқ*); г) кўйи сатҳ томон йўналмоқ (*aussteigen; тушмоқ*). Шунингдек, айрим фeъллар юриш-ҳаракатнинг натижасини, охириги нуқтага етишини кўрсатади. М-н: *ankommen, erreichen, verlassen; етмоқ, кирмоқ, чиқмоқ, тушмоқ, ўтмоқ* кабилар.

2. Немис тилидаги чегараланмаган семантикали ЮҲФларига: *reiten, schreiten, schlurfen, ziehen, schwanken, trapsen, trampeln, trippeln, schaukeln, marschieren, torkeln, tänzeln, spazieren, wandern, bummeln, schlendern, schweifen, streifen, streichen, lahmen, tappen, humpeln, hinken, schleppen*; ўзбек тилида: *йўргаламоқ, диккилламоқ, эмакламоқ, ўрмаламоқ, зингилламоқ, судралмоқ, пилдирамоқ, дингилламоқ, дикангламоқ, чайқалмоқ, тебранмоқ, дайдимок, кезмоқ, тентирамоқ, изгимоқ, сангимоқ (санқимоқ), сандироқламоқ, оқсамоқ, чўлоқланмоқ* ва б. ни киритамиз.

Иккала тиллардаги **чегараланмаган** юриш-ҳаракат фeъллари семантикасида кўйидаги асосий белгилар мавжуд: а) мўлжалсиз, йўналишсиз кезиб юрмоқ (*bummeln, spazieren, schweifen, streifen, streichen, schlendern; тентирамоқ, изгимоқ, кезмоқ, дайдимок, сангимоқ, сандироқламоқ*); б) кўп такрорланувчи юриш-ҳаракат (*tänzeln; дингилламоқ, диккилламоқ, дикангламоқ*); в) секин юриш-ҳаракат (*ziehen, schleppen; судралмоқ*); г) майда қадам билан тез юрмоқ (*trampeln, trippeln; йўргаламоқ, зингилламоқ, пилдирамоқ*); д) муайян нуқсон билан ҳаракатланмоқ (*lahmen, tappen, humpeln, hinken; оқсамоқ, чўлоқланмоқ*) кабилар.

3. Немис тилидаги **икки акционал семантикали** фeълларга *gehen, laufen, reisen, fahren, rennen, fliegen, schwimmen* ва б. ўзбек тилида *юрмоқ,*

бормоқ, сузмоқ, учмоқ, чопмоқ, югурмоқ сингари феълларни киритиш мумкин.

Икки акционал хусусиятли (лимитатив нейтрал) феъллар семантикасида ҳам чегараланганлик ҳам чегараланмаганлик маънолари мужассам бўлади. Яъни бундай хусусиятли феъллар контекст таркибидаги турли лисоний воситалар таъсирида баъзан чегараланганлик, баъзида чегараланмаганлик семантикасига эга бўлиши мумкин. Чегараланганлик функциясида бу феъллар субъектнинг маълум бир мўлжалга, муайян объектга йўналган, бошланиш ва тугалланиш нуқтасига эга бўлган ҳаракатини ифодалайди. Масалан: Ich habe, sagte sie, meinem Philipps das Kleine zu halten gegeben, und **bin** mit meinem Ältesten in die Stadt **gegangen**, um Weissbrot zu holen und Zucker und einer den Breipfännchen (Goethe); *Машина чап томонга юрди.*

Чегараланмаганлик хусусиятида улар субъектнинг кенг макондаги мўлжалсиз, йўналишга эга бўлмаган юриш-ҳаракати тарзини ва уни амалга ошиш усулини акс эттиради. Масалан: Ein junger Mensch mit einem Künstlerhut **ging** neben Diedrich, er sagte: „kennen wir“ Napoleon in Moskau, sich solo unter die Bevölkerung mischend (Mann); *Кампир юрганда ҳеч қандай овоз чиқмасди. Оёғи худди пардек ерга беозор тегарди (С.Аҳмад).*

Лимитатив нейтрал феълларнинг чегараланганлик маъноси қандай воситалар ёрдамида ҳосил бўлишини икки тил мисолида солиштирсак, асосий фарқ уларнинг ифодаланишида кўринади. Немис тилида чегараланганлик маъноси *hin-, her-* префикс ёки (равиш)лари, предлоглар, равиш турлари яъни йўналишни кўрсатувчи шакллар орқали ва контекст таъсирида ифода этилади. Ўзбек тилида йўналиш маъносини ифодаловчи жўналиш келишиги қўшимчаси *-га, (-ка, -қа)*, аниқлаштирувчилар (равиш турлари) ва контекст таъсирида чегараланганлик маъноси ҳосил бўлади.

Учинчи боб “**Немис ва ўзбек тилларида юриш-ҳаракат феъллари ифодалайдиган аспектual вазиятлар ва уларнинг қиёсий таҳлили**” деб номланиб, у 5 та фаслдан иборат. Бобда иккала тиллардаги чегараланган, чегараланмаган, икки акционал хусусиятли юриш-ҳаракат феълларидан ташкил топган аспектual вазиятлар (АВ), уларнинг турлари ҳамда маънолари қиёсан таҳлил қилинган.

Аспектual вазиятлар тилшунослар томонидан турли тиллар доирасида ўрганилган. Аспектual вазият – бу аспектualлик функционал-семантик майдонига асосланган ва гапда у ёки бу шаклда ҳаракатни вақт оралиғидаги оқимини ва тақсимланишини ифодаловчи типик мазмунли тузилиш¹дир. Аспектual вазият маъносини аниқлашда гапдаги барча тил воситалари ва контекст ёрдамида ифодаланадиган аспектual маъноларни, бундан ташқари АВни ҳосил бўлишига таъсир этувчи экстралингвистик омилларни эътиборга олиш лозим². АВ маъноси фақатгина аспект (вид) билан боғлиқ чегарага

¹ Бондарко А.В. Теория значения в системе функциональной грамматики: На материале русского языка / Рос. академия наук. Ин-т лингвистических исследований культуры, 2002. - 736 с.

² Ризаев Б.Х. Проблема аспектной семантики временных форм немецкого глагола. Аспектная семантика претерита. – Ташкент, Фан, 1999. - 121 с.

етганлик/етмаганлик, процессуаллик/терминативлик белгилари билан чегараланиб қолмай, у ўз ичига акционаллик, яъни чегараланганлик/чегараланмаганлик ва ҳаракат тарзлари (ҳаракатнинг бошланиши, давом этиши, такрорийлиги, тугалланиши) каби аспектиал маъноларни ҳам қамраб олади. Аспектиал белгилар контекст таркибида ўзаро боғланиши ва турли комбинацияларни ҳосил қилиши мумкин. Масалан: инхоатив ва процессуал (юриш-ҳаракатнинг бошланиши ва давом этиши), процессуал ва терминатив (ҳаракат оқими ва тугалланганлик), итератив ва терминатив (юриш-ҳаракатнинг такрорийлиги ва тугалланганлик), инхоатив ва терминатив (юриш-ҳаракатнинг бошланиши ва тугалланиши) ва б. АВлар. Баъзан аспект (вид, тус) маъносини аниқ талқин қилиш мушкул. Айрим ҳолларда “асспектиал дуализм” ҳодисаси ҳам учраб туради, яъни аспект жиҳатидан ноаниқлик кузатилади. Бундай аспектиал вазиятни, ҳам терминативлик, ҳам процессуаллик, деб талқин қилиш имконияти туғилади.

Аспектиал вазиятлар ифодаляйдиган маъносига кўра бир қанча турларга бўлинади. АВ турлари унинг қандай акционал хусусиятли феълдан ташкил топганлигига боғлиқ. Жумладан, терминатив АВ, асосан, чегараланган, процессуал АВ кўпинча чегараланмаган феъллар кўмагида ифодаланади. Икки акционал хусусиятли феъллар чегараланганлик функциясида терминатив, чегараланмаганлик функциясида процессуал АВда иштирок этади.

Таҳлил натижасида иккала тиллардаги турли акционал гуруҳга мансуб юриш-ҳаракат феъллари иштирокидаги ўн бир хил АВ тури аниқланди. Ушбу юриш-ҳаракат феълларининг акционал хусусиятларига кўра қатнашадиган АВ турларини кўриб чиқамиз.

1-жадвал.

Чегараланган хусусиятли юриш-ҳаракат феъллари иштирокидаги аспектиал вазиятлар турлари

Аспектиал вазият турлари	Немис тилида	Ўзбек тилида
Терминативлик	+	+
Процессуаллик	+	+
Итеративлик	+	+
Инхоатив	-	-
Процессуаллик + терминативлик	+	+
Итеративлик + процессуаллик	-	-
Инхоативлик + терминативлик	-	-
Инхоативлик + процессуаллик	-	-
Инхоативлик + итеративлик	-	-
Процессуаллик + итеративлик	-	-
Итеративлик + процессуаллик + терминативлик	+	-

Жадвалдан кўриниб турибдики, чегараланган феъллар немис тилида бешта, яъни терминатив, итератив, процессуал + терминатив, итератив + процессуал + терминатив, процессуал, ўзбек тилида тўртта: терминатив, итератив, процессуал, процессуал + терминатив АВларда иштирок этиши мумкин. Таққосланг:

Терминатив АВ - Sie **waren** zusammen vor knapp drei Monaten nach Berlin **gekommen** (Seghers); Роппа-роса уч ой илгари улар Берлинга **келишди** (Зегерс);

Процессуал АВ - Mal hatten sie Strolche im Hof gepackt, ihren Kopf festgeklemmt und ihr Gesicht mit Kreide und Kohle fürchterlich angemalt. Da **war** der Kleine aus der Schule über den Hof **gekommen** (Seghers); *Бир куни шўх болалар ҳовлида Эленани тутиб олишиб, калласидан маҳкам ушлаб, юзини ҳамма ёғига бўр ва қорақуя суртиб юборишганди. Шу пайт Ганс мактабдан қайтиб келаётган эди* (Зегерс).

Итератив АВ - Als Wilhelm Nadler am Potsdamer Bahnhof aus der Vorortbahn ausstieg und ein paar Strassen durchquerte, war ihm zuerst genauso zumute wie jedem, der nach einem langen Dorfleben in die Stadt **kommt** (Seghers); *Надлер Потсдам вокзалида шаҳар атрофига қатнайдиған поезд вагонидан тушиб, бир неча кўчаларни пиёда юриб ўтганидан кейин, аввалига ўзини қишлоқда узоқ умр кечириб, сўнгра шаҳарга тушган одамдек ҳис қилди* (Зегерс).

Процессуал + терминатив АВ - Das tat Christian auch von selbst; er **kam** aus dem Stall in die Küche **gehumpelt**, als das Gefeilsche um die Kuh auf dem Höhepunkt war (Seghers). *Аммо Христиан унинг кўнглидагини билгандек, сизир савдоси роса қизиган пайтда оқсоқланиб хужрасидан чиқди-да, ошхонага кириб келди* (Зегерс).

Итератив + Процессуал + терминатив АВ - Er **kam** manchmal plötzlich an die Bank **gerannt**, um zu sehen, ob sie nicht verschwunden sei (Seghers). - **Процессуал АВ** - *Баъзан у Мария шу ердами - йўқлигини билиш учун бирдан скамейкага қараб югуриб кетарди* (Зегерс)

Иккала тиллардаги чегараланмаган феъллар қатнашган АВ турлари куйидаги кўринишга эга:

2-жадвал

Чегараланмаган хусусиятли юриш-ҳаракат феъллари иштирокидаги аспектүал вазиятлар турлари

Аспектүал вазият турлари	Немис тилида	Ўзбек тилида
Процессуаллик	+	+
Терминативлик	+	+
Итеративлик	+	-
Инхоативлик	+	+
Процессуаллик + терминативлик	+	-
Итеративлик + процессуаллик	-	+
Инхоативлик + терминативлик	-	+
Инхоативлик + процессуаллик	+	+
Инхоативлик + итеративлик	+	+
Процессуаллик + итеративлик	-	-
Итеративлик + процессуаллик + терминативлик	-	-

Жадвалда акс этганидек, немис тилидаги чегараланмаган феъллар етти хил АВларда иштирок этиши кузатилди. Улар асосан, процессуал, айрим ҳолатларда терминатив аспектүал вазиятларда қатнашади. Процессуал

аспектуал вазият бошқа аспектуал маънолар, яъни инхоативлик, итеративлик, терминативлик билан комбинациялар ҳосил қилади.

Ўзбек тилида ҳам чегараланмаган юриш-ҳаракат феъллари иштирокида еттита АВ тури аниқланди, аммо бу тилда итератив, процессуал-терминативлик, итератив + процессуал + терминатив АВлар комбинацияси учрамади.

Аспектуал вазиятлар турларини мисолларда таққосланг:

Инхоатив (бошланиш) + процессуал АВ - Luise setzte den Filzhut zurecht, der mit einem Samtband garniert war. Sie **tänzelte** auf die Tür zu (Seghers); *Луиза бахмал лентали феър иляпасини тўғирлаб кийди-да, ўйинга тушиб, эшикка томон юрди...* (Зегерс).

Процессуал АВ - Ein Beinchen war übrigens im Laufe der vormittägigen Vorfälle schwer verletzt worden - es war fast ein Wunder, dass nur eines verletzt worden war - und **schleppte** leblos noch (Kafka); *Эрталабки кўнгилсиз воқеалар оқибатида фақат бир оёқчаси - фақат бир оёқчалиги мўъжиза эди - оғир жароҳат олган ва полда жонсиз судраларди* (Кафка).

Инхоатив + терминатив АВ - Da kam plötzlich ein trunkener Husar dahergejagt und **ritt** geradezu in die Töpfe hinein, dass alles in tausend Scherben zersprang (Kocialek); *Бирдан кутилмаганда асов от минган қандайдир маст суворий қаердандир ўқдек учиб чиқиб, отини тўғри идиш-товоқлар устига бостириб келибди. Идиш-товоқларни чил-чил синдириб, тупроққа қориб, ортидан чанг булутини кўтариб ўтиб кетибди* (Акбар).

Терминатив АВ - Am Vortage hatte Wilhelm Nadler auf Harms' Befehl die SA - Jungs aus dem Dorf zusammengetrommelt. Sie waren nach Werder **marschiert**, wo sie von fünf Lastautos erwartet wurden (Seghers); *Эрталаб Вилгельм Надлер Гармснинг буйруғи билан қишлоқдаги штурмчи йигитларни йиққанди. Улар Вердерга қараб жўнашди, у ерда уларни бешта юк машинаси кутиб турарди* (Зегерс).

Инхоатив + итератив АВ - Dann flogen Vögel wie sprühend auf, ich folgte ihnen mit den Blicken, sah, wie sie in einem Atemzug stiegen, bis ich nicht mehr glaubte, daß sie stiegen, sondern daß ich falle, und fest mich an den Seilen haltend aus Schwäche ein wenig zu schaukeln anfing. Bald **schaukelte** ich stärker, als die Luft schon kühler wehte und statt der fliegenden Vögel zitternde Sterne erschienen (Kafka); *... бир оз бошим айланиб, ўзимни худди йиқилаётгандек ҳис қилдим ва арқонларни маҳкам ушлаб олдим. Дам ўтмай, қаттиқроқ чайқала бошладим, ҳаво ҳам янада салқинлашиб, осмонда парвоз қилиб юрган қушлар ўрнини энди милтиллаган юлдузлар эгаллади* (Кафка).

Процессуал + терминатив АВ - Mein Grossvater **wanderte** durch ganz Deutschland, als Handwerksbursche. Er kam bis zur russischen Grenze. Nach Litauen;... (Seghers); - **Терминатив АВ** - *Бобом мастер ёрдамчиси бўлган давридаёқ бутун Германияни айланиб чиққан. Рус чегарасигача, Литвагача борди;...* (Зегерс).

Итератив + процессуал АВ - Oft im sinkenden Monde sehe ich die Geister meiner Kinder, halb dämmernd **wandeln** sie zusammen in trauriger Eintracht (Goethe); - **Процессуал АВ** - *Ботаётган ой нурида баъзан болаларимнинг соялари кўзга ташланади, улар худди хира шарпадек аянчли танҳоликда кезиб юришади* (Эгамова).

Иккала тиллардаги лимитатив нейтрал феъллар қатнашган АВ турлари куйидаги жадвалда ўз аксини топган:

3-жадвал

Икки акционал хусусиятли юриш-ҳаракат феъллари иштирокидаги аспектиал вазиятлар турлари

Аспектиал вазият турлари	Немис тили		Ўзбек тили	
	чегараланганлик функциясида	чегараланмаганлик функциясида	чегараланганлик функциясида	чегараланмаганлик функциясида
Терминативлик	+	-	+	+
Процессуаллик	+	+	+	+
Итеративлик	+	+	+	-
Инхоативлик	+	-	+	+
Процессуаллик + терминативлик	+	-	+	-
Итеративлик + процессуаллик	-	-	-	-
Инхоативлик + терминативлик	-	-	-	-
Инхоативлик + процессуаллик	-	-	-	-
Инхоативлик + итеративлик	-	-	-	-
Процессуаллик + итеративлик	-	-	+	+
Итеративлик + процессуаллик + терминативлик	-	-	-	-

